

ЧЕТ ДАВЛАТ СУДЛАРИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ТАН ОЛИШ ВА ИЖРОГА
ҚАРАТИШНИНГЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ

Солаева Дурдона Отаназаровна

Судъялар олий мактаби фуқаролик йўналиши

1-турӯҳ тингловчиси

Аннотация: Чет давлат судларининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш, ҳалқаро ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида чет давлат судларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишнинг асослари ва тартиби ўрганилади.

Калит сўзлар: Конституция, Чет давлат судлари, универсал ва минтақавий келишувлар, конвенция.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро муносабатларнинг тўла ҳукукли субъектиdir. Чет давлат судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишга ҳалқаро ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларининг ривожланиши муҳим омил сифатида қаралади.

Чет давлат судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш янги тушунча ҳисобланади. 2018 йилга қадар чет давлат судларининг ҳал қилув қарориларини Ўзбекистон Республикаси худудида тан олишга доир масалалар ҳалқаро шартнома ва конвенцияларда қўрсатилган нормалар билан тартибга солинган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексининг 391-моддасида чет давлат судлари ва арбитражларининг ҳал қилув қарорларини Ўзбекистон Республикасида ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳалқаро шартномалари билан белгиланади. Чет давлат суди ёки арбитражининг ҳал қилув қарори, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан уч йил ичида мажбурий ижрога топширилиши мумкинлиги қайд қилинган.

Мазкур кодексда Ўзбекистон Республикасида чет давлатлардан келиб тушган, чет давлат судларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза ва илтимосномаларни кўриб чиқиш тартибга солинмаган. Бу тоифадаги ишлар факатгина ҳалқаро универсал

ва минтақавий келишувларга, яъни 22.01.1993 йил Минск шаҳрида имзоланган “Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенцияси, 07.10.2002 йил Кишинев шаҳрида имзоланган “Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан икки томонлама тутилган шартномаларга асосланган ҳолда кўриб чиқилган.

Ҳозирги қунга келиб, мамлакатимиз ташқи иқтисодий тизимини янада ривожлантириш бўйича асосий йўналишларидан бири, мамлакатимизни хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик ва ҳамдўстлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган, бу борада бир қатор хорижий давлатлар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган.

Шунингдек, 2018 йил 22 январь Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал кодекси янги таҳрирда қабул қилинган. Мазкур кодексда чет давлат судларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномаси билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш тартибга солинган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал кодексининг 364-372-моддаларига кўра, чет давлат судларининг ва чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорлари, агар бу Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида назарда тутилган бўлса, тан олинади ҳамда ижрога қаратилади.

Чет давлат судларининг фуқаролик ишлари юзасидан ҳал қилув қарорлари, жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмларининг жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга оид қисми, шунингдек чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) фуқаролик низолари бўйича чиқарган ҳал қилув қарорлари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан тан олиниши ҳамда ижрога қаратилиши мумкин.

Чет давлат судларининг ёки чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарори, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, у қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил муддат ичида мажбурий ижрога қаратилиши мумкин.

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза ҳал қилув қарори фойдасига чиқарилган низо тарафи (бундан буён матнда ундирувчи деб юритилади) томонидан қарздорнинг

яшаш жойидаги ёки турган жойидаги судга, агар яшаш жойи ва турган жойи номаълум бўлса, унинг мулки турган жойдаги судга берилади.

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ундирувчи ёки унинг вакили томонидан имзолангандан бўлиши керак.

Аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) ариза берилаётган судининг номи;
- 2) чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) номи ва жойлашган ери;
- 3) ишда иштирок этувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), яшаш жойи ёки турган жойи (пошли манзили), шунингдек, агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи;
- 4) ундирувчи эътироф этилишини ва ижро этилишини илтимос қилаётган чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарори ҳақидаги маълумотлар;
- 5) чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисида ундирувчининг илтимосномаси;
- 6) илова қилинаётган хужжатларнинг рўйхати.

Аризада ундирувчининг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилган бўлиши мумкин.

Ариза ундирувчиларнинг сонига қараб кўчирма нусхалари билан бирга судга берилади, бундан электрон хужжат тарзида юбориладиган ариза мустасно.

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризага, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалкаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидаги хужжатлар илова қилинади:

- 1) чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ундирувчи тан олиниши ва ижрога қаратилишини илтимос қилаётган ҳал қилув қарорининг чет давлат ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;

- 2) ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кирганлиги тўғрисидаги расмий хужжат, агар бу қарор матнининг ўзидан келиб чиқмаса;
- 3) ҳал қилув қарори илгари тегишли чет давлат ҳудудида ижро этилган бўлса, унинг ижро этилганлиги тўғрисидаги хужжат;
- 4) ҳал қилув қарори ўз заарига чиқарилган ва процессда иштирок этмаган тараф ишни кўриб чиқиш вақти ва жойи тўғрисида ўз вақтида ҳамда тегишли тарзда хабардор қилинганилигига оид хужжат;
- 5) вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа хужжат;
- 6) агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида давлат божини ва почта харажатларини тўлашдан озод қилиш назарда тутилмаган бўлса, давлат божи ва почта харажатлари тўланганилигини тасдиқловчи хужжат.
- 7) мазкур модданинг 1 — 5-бандларида кўрсатилган хужжатларнинг, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат тилига қилинган, белгиланган тартибда тасдиқланган таржимаси.

Суд чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ҳақидаги масалани ҳал этишда ариза ушбу Кодекснинг 366, 367-моддалари талаблари бузилган ҳолда берилганилигини аниқласа, аризани ва унга илова қилинган хужжатларни ундирувчига қайтаради.

Суд аризани қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ажрим, ариза ва унга илова қилинган хужжатлар ундирувчига ажрим чиқарилган кундан эътиборан беш кун ичида юборилади.

Аризани қайтариш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин ундирувчи судга умумий тартибда янгидан ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза, агар Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳалқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, у судга келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан ошмайдиган муддатда суд мажлисида кўриб чиқиласди.

Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида

белгиланган тартибда хабардор қилинган шахсларнинг судга келмаганлиги ишни кўриб чиқиши учун тўсқинлик қилмайди.

Суд аризани кўриб чиқишида судга тақдим этилган, арз қилинган талабларни ва билдирилган эътиrozларни асословчи далилларни текшириш йўли билан ҳолатларни аниқлайди.

Суд аризани кўриб чиқишида чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқишига ҳақли эмас.

Суд чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни қўйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман рад этади, агар:

1) ҳудудида ҳал қилув қарори қабул қилинган давлатнинг қонунига биноан у қонуний кучга кирмаган бўлса;

2) ҳал қилув қарори ўз зарарига қабул қилинган тараф ишни кўриб чиқиши вақти ва жойи тўғрисида ўз вақтида ҳамда белгиланган тартибда хабардор қилинмаган ёки бошқа сабабларга кўра судга ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаган бўлса;

3) ишни кўриб чиқиши Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларга ёки қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси судининг мутлақ ваколатига тегишли бўлса;

4) Ўзбекистон Республикаси судининг айни бир тарафлар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низога доир иш мавжуд бўлиб, у юзасидан иш юритиш чет давлат судида ишни юритиш қўзғатилганидан олдин қўзғатилган бўлса;

5) Ўзбекистон Республикаси судининг иш юритувида айни бир тарафлар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низога доир иш мавжуд бўлиб, у юзасидан иш юритиш чет давлат судида ишни юритиш қўзғатилганидан олдин қўзғатилган бўлса;

6) чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини мажбурий ижрога қаратиш муддати ўтган бўлиб, бу муддат суд томонидан тикланмаган бўлса;

7) тараф низонинг ваколати бўлмаган чет давлат суди томонидан ҳал этилганлигини исботловчи далилни тақдим этган бўлса;

8) ҳал қилув қарори чет давлатнинг ваколатли органи томонидан бекор қилинган бўлса;

9) ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикасининг чет давлат суди ёки чет давлат ҳакамлик суди (арбитражи) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш билан боғлиқ ҳалқаро шартномалари иштирокчиси бўлмаган чет давлат суди томонидан чиқарилган бўлса;

10) чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрота қаратиш Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига, хавфсизлигига зарар етказса ёки қонунчиликнинг асосий принципларига зид бўлса.

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам рад этилиши мумкин.

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрота қаратиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича суд ушбу Кодекснинг 24-бобида белгиланган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрота қаратиш тўғрисидаги иш бўйича суд ажримида, шунингдек қуидагилар кўрсатилиши қерак:

чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) номи ва жойлашган ери;

ундирувчининг ва қарздорнинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи);

чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ундирувчи тан олиниши ва ижрота қаратилишини сўраётган ҳал қилув қарори тўғрисидаги маълумотлар;

ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этиш ҳақидаги ёхуд уни эътироф этишни ва ижро этишни рад қилиш тўғрисидаги кўрсатма.

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрота қаратиш тўғрисидаги суд ажрими устидан ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини ижро этиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрота қаратиш тўғрисида ажрим чиқарган суд томонидан бериладиган ижро варакаси асосида амалга оширилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР;

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг 30.08.1997 йилда қабул қилинган фуқаролик процессуал кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг 22.01.2018 йилда қабул қилинган фуқаролик процессуал кодекси.
4. 22.01.1993 йилда имзоланган “Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича хукукий ёрдам ва хукукий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенцияси.
5. 07.10.2002 йилда имзоланган “Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича хукукий ёрдам ва хукукий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенцияси.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йилдаги “Чет давлат судлари ва ҳакамлик (арбитраж) судларининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш: муаммонинг ҳозирги ҳолати” ҳақидаги аналитик ҳисботи.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “1993 йил 22 январдаги фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича хукукий ёрдам ҳамда хукукий муносабатлар тўғрисидаги конвенция ва 2002 йил 7 октябрдаги фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича хукукий ёрдам ва хукукий муносабатлар тўғрисидаги конвенция қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 17.11.2020 йилдаги ПҚ-4895-сонли қарори;
8. Олий суд статистикаси. <http://stat.sud.uz/fib/html>;